ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Ш. А. Адбужалилова
Чирчиқ давлат педагогика институти, педагогика фанлари номзоди

С. Б. Қораев
Чирчиқ давлат педагогика институти, педагогика фанлари номзоди (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада педагогик технологияларнинг талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Бунда педагогик технологиялар муаммоси педагогик нуқтаи назардан илмий асосда чуқур ўрганилган.

Калит сўзлар: Талаба, илмий дунёқараш, педагогик технология, ўқув топшириқлари, касбий маҳорат, интеллект, ақл.

THE ROLE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE FORMATION OF STUDENTS 'SCIENTIFIC WORLDWIDE

S. A. Adbujalilova
Chirchik State Pedagogical Institute, Candidate of Pedagogical Sciences

S. B. Koraev
Chirchik State Pedagogical Institute, Candidate of Pedagogical Sciences (PhD)

ABSTRACT

The article discusses the role of pedagogical technologies in the formation of students' scientific worldview and its features. At the same time, the problem of pedagogical technologies has been deeply studied from a pedagogical point of view on a scientific basis.

Keywords. Student, scientific outlook, pedagogical technology, assignments, professional skills, intellect, intellect.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг ҳозирги янги ривожлантириш даврида барча соҳалар қаторида педагогик таълимни тараққий эттириш ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 февралдаги “Педагог кадрларни тайёрлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисда”ги Қарорида “педагогик илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш” вазифаси қўйилган[1].

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг замонавий мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланган бўлиб, у талаба шахсини тарбиялашга, унда касбий маҳоратни ҳосил қилишга йўналтирилмоғи керак. Таълим жараёнининг фаол субъектлари педагог ва талабалар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдага фаолиятлари муайян мавзу (ёки фанлар асослари) бўйича кам куч ва вақт сарфлангани ҳолда назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятини тавсифлайди. Шунингдек, педагогик технологияларнинг муҳим хусусиятларида бири талабалар илмий дунёқарашини шакллантириши ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дж.Дьюи таълимнинг барча турлари ва шаклларини талабаларда муаммоларни ечиш йўли билан мустақил таълим олишга алмаштириш тарафдори бўлиб чиқди. Шу билан бирга, бу таълимнинг муаммоларни ҳал қилиш усулида ўқувнинг амалий шаклига асосий эътиборни қаратишни таклиф қилди [2].

С.Л.Рубинштейн, Н.А.Менчинская, Т.В.Кудрявцев сингари психологлар таълим жараёнида ақлий тараққиётнинг таъминланиши зарурлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар. Уларнинг фикрича, ақлий тараққиёт нафақат ўзлаштирилган билимларнинг ҳажми ва сифати билан тавсифланади, балки билиш жараёнларининг тузилиши билан, талабадаги мантиқий операциялар ва ақлий ҳаракатларнинг тизими билан ҳам тавсифланади [9]. Бу эса талаба илмий дунёқарашини шаклланишига олиб келади.

Талаба илмий фикр юритишининг мустақиллиги унинг маҳсулдорлиги билан узвий боғлиқ тарзда кечади. Агар талаба томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсияномалар билдирилган ҳамда назарий ва амалий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай инсоннинг фикр юритиши сермаҳсул дейилади. Вақт оралиғида бажарилган ақлий фаолият кўламига ва сифатига оқилона баҳо бериш талаба фикр юритиши маҳсулдорлигини ўлчаш мезони сифатида хизмат қилади. Талаба оддий нарсалар тўғрисида фикр юритганда ҳам уларнинг ташқи белгилари билан чегараланиб қолмайди, балки ҳодисалар моҳиятини очишга интилади, оддий турмуш хақиқатидан умумий ижтимоий қонуният яратишга ҳаракат қилади. Шубҳасиз

талабанинг илмий дунёқараши ҳали изланмаган тўла фойдаланилмаган имкониятларга эга бўлиб, уларни тўла очиш фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш мақсадига хизмат қилади. Ҳар қандай ташкилот, янгилик тараққиёт – инсон ақл-заковатининг маҳсулидир, худди шу боис фан ва техника ривожи кўп жиҳатдан мутахассиснинг илмий фикрлашига боғлиқ. Талаба камолоти жисмоний, аҳлоқий ва ақлий босқичлардан иборат бўлиб, бу борада унинг илмий фикрлаши етакчи, устувор ўрин эгаллайди. Ҳозирги даврнинг талабалари жисмоний, ахлоқий жиҳатдан комиллик даражасига енгиллик билан эришсада, лекин ақлий камолотга етишишга эса асаб тизимининг таранглашуви, ақлий зўриқиш, ҳиссий жиддийлашув барқарор иродавий акт, узлуксиз фаоллик, фидоийлик намуналари эвазига босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошиши мумкин. Комил инсон бўлиб камол топишни эзгу ният қилган бўлғуси мутахассис аждодларимиз томонидан яратилган маънавият ва қадриятлар эгаллаш учун ҳамда келажак ривожини таъминлаш учун талабаларда мустақил фикрлашни, ижодий изланишни, илмий дунёқарашни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Педагогик, психологик ва методик адабиётларни ўрганиш; педагогик кузатиш; социологик методлар (анкета сўрови; суҳбат; интервью); тест сўрови, моделлаштириш, педагогик тажриба; математик статистика.

НАТИЖАЛАР

Тажриба жараёнида замонавий педагогик технологияларни талабала илмий дунёқарашини шакллантиришда ўрни ҳақида тадқиқот ишларимизни олиб бордик. Бунда педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллашда фойдаланилган муаммоли таълим, ақлий ҳужум, “БхБхБ” усули, кичик гуруҳларда ишлаш сингари интерфаол усуллардан фойдаланиш жараёнинидаги талаба муносабатларидаги ўзгаришларни баҳолашга эришдик. Бунинг учун талабаларнинг ушбу усуллар қайси жиҳатдан фаолият самарадорлигига таъсири ёки шахсий-касбий ўсишга кўрсатадиган таъсирини баҳолашга эришдик.

Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда қайси методларнинг аҳамиятини аниқлашга эришдик. Бунда ушбу усулларни қўллашда фойдаланилган педагогик технологияларнинг шкалали баҳолашга урғу бердик. Ушбу усулга кўра талабалар қўлланилган замонавий таълим усулларини унинг фаолияти учун таъсирини 5 балли шкалад энг аҳамиятли бўлса 5 балл, энг аҳамиятсиз бўлса 1 балл билан баҳолашлари сўралди. Бу эса касбий шаклланиши жараёнимда талабалар илмий дунёқарашини шакллантириш даражасини белгилашимиз учун ҳам аҳамият касб этди. Биз таълим

технологияларнинг талабалар фаолиятига таъсири юзасидан олиб орган тажрибамиз натижаларига эътибор қаратайлик (1-жадвал.)

1-жадвал

Таълим жараёнида қўлланилган таълим технологияларнинг талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришга таъсирини баҳолаш кўрсаткичлари

Усуллар / Таълим йўналишлар	Муаммоли таълим	Ақлий ҳужум	Лойиҳалаш	Ҳамкорликда ишлаш	Кичик гуруҳларда ишлаш	Ўртача қиймат
Физика-математика	4,21	3,66	4,75	4,30	4,61	4.30
Педагогика	4,65	4,12	4,63	4,68	4,70	4.55
Табиатшунослик	4,51	3,78	4,25	4,52	4,25	4.26
Тарих	4,70	4,25	4,02	4,60	4,56	4.42
Филология	4,70	4,26	4,3	4,5	4,47	4.44
Агроиқтисодиёт	4,51	3,95	4,41	4,52	4,53	4.38
Ўртачи қиймат	4.54	4.00	4.39	4.52	4.52	

Бир нарсани эътироф этишимиз керак талабаларнинг таълим технологияларини татбиқ этиш ойлигига қадар ўзлаштириш кўрсаткичлари билан уларнинг ушбу ойлик якунидаги кўрсаткичлари ўзаро таққосланганда ҳолат ўзаро қиёсий ўрганилди.

Замонавий педагогик технологиялар сифатида қўлланилган усулларнинг аҳамиятлилик кўрсаткичи талабаларнинг муносабати орқали баҳоланганда ҳар бир таълим йўналиши ўзига хос қийматларда акс этди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, таълимда қўлланилган технологик усуллар талабанинг билим даражаси, унинг таълим муҳитидаги фаоллиги ва ақлий салоҳият даражасига таъсирини фақат ички мантиқий боғлиқликлар орқали ўрганиш мумкин бўлади. Бундан кўринадики, таълим жараёнида қўлланилган таълим технологияларнинг талаба фаолиятига таъсирида қўлланилиши аҳамияти жиҳатида барча факультетлар бўйича ўртачадан юқори қийматни акс эттирилганлиги келтирилган жадвал натижаларида акс этиб турибди. Биз натижаларни ҳар бир факультет доирасида ва таълим усуллари бўйича таққослаш имконига эга бўлдик.

Қўлланилган усулларнинг аҳамиятига кўра барча усуллар таълим

жараёнида талабаларга ижобий таъсир кўрсата олган (деярли усулларнинг аҳамияти ўртачадан юқори), аммо муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш, ҳамкорликда ва кичик гуруҳларда ишлаш технологиялари бир мунча юқорироқ натижаларни акс эттирган (4.54, 4.52 ва 4,52). Аммо ақлий ҳужум усули бошқа усулларга нисбатан бир оз қуйи кўрсаткични намоён этганлиги билан характерланди. Бу эса ушбу усулнинг қўлланиш технологиясиси, бошқа усулларга қараганда бир оз осон бўлса-да (4.00) пастроқ қийматларда акс этмоқда. Бундан кўринадик, қўлланилаётган таълим усулининг осон ёки мураккаблиги эмас, балки усулдан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш таълимда ўзининг ижобий натижасини бериши мумкинлигини тасдиқламоқда.

Ўз навбатида ушбу натижаларнинг факультетлар бўйича кузатилганда эса натижалар ўзининг ижобий аҳамиятини йўқотмаган: физика-математика-4.30, педагогика-4.55, табиатшунослик-4,26 , тарих-4,42, филология-4.44 ва агроиқтисодиёт-4.38 кўрсаткичларни намоён этди. Бундан кўринадики, таълим усулларини қўллаш таълим жараён учун фойдададан холи эмас экан. Ҳатто бу ҳолат педагогик технологиялар ойлиги натижаси бўйича талабалар ўзлаштиришида ҳам ўз аксни топган.

Натижалардан кўринадики, талабаларнинг таълим технологияларини жорий этиш уларнинг таълим жараёнида билимларни ўзлаштиришидаги касбий шаклланишига ижобий таъсир кўрсата олмоқда. Интерфаол методлардан фойдаланишда ўқув материалининг мазмуни ўқитувчи томонидан қайта ишлаб чиқилиши, талабага мураккаб туюлган терминларни изоҳлаб бериши, унинг онгида ақлий фаолиятини уйғотиши ҳамда кучайтириши талаб қилинади. Бунинг учун мавзунинг мазмуни ахборот шаклидаги тушунчалардан муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятларга айлантирилади. Талаба олдига муаммо қўйилганда уни ҳал этиш, ечимини топишга хоҳиш туғилади. Худди шу ҳолатда талабада ақлий фаоллик намуналари пайдо бўлади. Уни рўёбга чиқаришда интерфаол методлар ўзининг самарали натижасини беради.

Мустақил фикр-мулоҳаза инсонда мавжуд билимларни, фикр ва воқеликка бўлган муносабатларнинг эркин юзага чиқарилишидир. Албатда, ушбу жараён ўз ўзидан рўёбга чиқмайди, айниқса таълим-тарбияда. Маълумки таълим-ўқитувчи ва талаба орасида ўрнатиладиган педагогик муносабатлар мажмуидир. Ана шу муносабатларда ўзаро ишонч, талаб ва тартиб муҳимдир, яъни талабалар илмий дунёқарашини шаклланиб боради, илмий қарашлари мукамаллашади.

Янгича ёндашув жараёнида билим талабаларнинг ўз ижтимоий тартиблари асосида пайдо бўлади ва хулқ-атвор шаклини ҳам ўзгаришига таъсир қилади. Айниқса таълимни муаммоли ташкил этиш талаба ўқув фаолиятига

ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу жараённи янада мувоффақятлироқ чиқиши учун психологик асосга эътиборни қаратиш керак.

Замонавий педагогик технологиялар асосида таълим жараёни ташкил этилганда билим эгаллашнинг бир қанча бир-бирига боғлиқ бўлган босқичлари мавжуд бўлиб, тайёр билимларни талаба онгига етказиш, эсга олиш, эсда сақлаш, қайта эсга тушуриш, сўзлаб бериш, ёзма ифодалаш каби ҳолатлар билиш, тушуниш даражаларини ифодалайди. Бу даражаларда талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришга олиб келмайди ва ижодий ёндашув талаб этилмайди. Ўзлаштиришнинг кейинги даражаларида талабалар олган билимларини амалда татбиқ этиши, маълум натижаларни қўлга киритиши, тўлдириши, бойитиши, ўзгартириши, ўзининг мустақил нуқтаи назарига эга бўлиши талаб этилади. Бу ўзлаштириш даражалари учун муаммоли ёндашув аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек кичик тадқиқот ишларни амалга ошириш ҳам аҳамиятга моликди. Олий ўқув юртлари янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида катта имкониятларга эга. Мазкур имкониятларни англай олиш педагогик фаолиятга нисбатан бир оз ижодий технологик ёндашиш машғулотларнинг қизиқарли бўлишини таъминлаш билан бирга талабалар томонидан ҳар бир мавзу бўйича билимларни пухта эгаллаши учун замин яратади. Дарҳақиқат, ўқув машғулотлари унинг доимий равишда бир хилда такрорланиши талабаларда лоқайдлик, билим олишга нисбатан масъулиятсизлик кайфиятини ҳосил қилади. Айни вақтда бундай ҳолатнинг олдини олишни энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига илғор педагогик технологияларни изчил ва мақсадга мувофиқ равишда татбиқ этиш эътироф этилмоқда.

МУҲОКАМА

Таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишда педагогик технологиялардан фойдаланиш касбий хусусиятларни шаклланишига, талабалар илмий дунёқарашини шаклланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омил сифатида намоён бўлар экан.

Талабаларнинг илмий дунёқараши билан таълим усулларини таъсири ўртасидаги ўзаро корреляцион муносабатларда илмий аҳамиятга эга кўрсаткичлар қўлга киритилди. Таълим усуллари талабалар илмий дунёқараши билан муаммоли ўқитиш ($r=0.327$, $p<0.05$); лойиҳалаш ($r=0.370$, $p<0.05$); ҳамкорликда ишлаш ($r=0.327$, $p<0.05$); кичик гуруҳларда ишлаш ($r=0.327$, $p<0.05$) усуллари билан ижобий алоқаларни ҳосил қилди. Бундан кўринадики, таълим усулларини қўллаш талабалар илмий дунёқарашини шаклланишига

таъсир кўрсатиш самарадорлиги оператив тарзда акс этмас экан. Бир нарсани эътироф этишимиз керакки, талабалар илмий дунёқарашини шаклланиши билан муаммоли таълимни ташкил этиш усули ўртасидаги ўзаро алоқадорлик физика-математика ва табиатшунослик йўналиш талабаларида ижобий ва юқори коррекцион алоқани намоён этди. Чунки, бу усулни ушбу соҳа талабаларида фойдаланиш самарали бўлиши улардаги аниқлик ва қўйиладиган муаммоларнинг аниқлиги ва ўз ечимини яққол кўрсаткичларда акс эттиришида бўлиши билан боғлаш мумкин. Аммо педагогика, тарих ва бошқа йўналишларда эса таълим жараёнида ҳосил қиладиган муаммо бир неча ечимларда акс этиши мумкинлиги билан характерланади.

Маълумки, талабалар илмий дунёқарашини шаклланишига нафақат талим усулларини, балки ўқув топшириқларининг ҳам ўрни каттадир. Кейинги тажриба ишларимиз айнан ўқув топшириқлрининг талабалар илмий дунёқарашини шаклланишига қандай таъсир этишига эътибор қаратилади.

Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда ўқув топшириқларини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ўқув топшириқларини тўғри шакллантириш мақсадга мувофиқ саналади. Таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўқув топшириқларини тўғри шакллантириш кўникма, малакаларига эга бўлиши зарур. Бу ўринда Д.Толлингерова томонидан қуйидаги ўқув топшириқлари таксономияси таклиф этилади[6-7].

Ҳар бир ўқув топшириғи ўз ичига яна бир неча кичик турдаги топшириқларни қамраб олади. Улар қуйидагилардир:

I. Хотирада сақлаш, қайта ёдга туширишни талаб этувчи топшириқлар:

1) хабардор бўлишга оид топшириқлар;

2) алоҳида далил, сон, тушунчаларни ёдга олишга доир топшириқлар;

3) таъриф, меъёр, қоидаларни ёдга олишга оид топшириқлар;

4) катта ҳажмдаги матн, бўлим, шеър, жадвал ва бобни ёдга олишга оид топшириқлар.

II. Рақам ва маълумотлар билан ишлашда оддий фикрий операцияларни тақозо этувчи топшириқлар:

1) далиллар (ўлчаш, тортиш, ҳисоблаш ва б.)ни аниқлашга оид топшириқлар;

2) далилларни келтириш ва таърифлашга (ҳисоблаш, санаб ўтиш ва бўлим.)га доир топшириқлар;

3) ҳаракатлар жараёни ва усулларини ташкил этиш ва тавсифлашга оид топшириқлар;

4) ажратиш ва йиғиш (таҳлил ва синтез)га доир топшириқлар;

5) қиёслаш ва фарқлаш (таққослаш ва бўлиш)га оид топшириқлар;

6) тақсимлаш (категориялаштириш ва таснифлаш)га доир топшириқлар;

7) далиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик (сабаб, оқибат, мақсад, восита, таъсир, фойдалилик, восита, усуллар)ни аниқлашга оид топшириқлар;

8) мавҳумлаштириш, аниқлаштириш ва умумлаштиришга доир топшириқлар;

9) мураккаб бўлмаган (катталик, ўлчамлари номаълум бўлган) мисолларни ечиш.

III. Рақам ва маълумотлар билан ишлашда мураккаб фикрий операцияларни тақозо этувчи топшириқлар:

1) кўчириш (бирор жойга узатиш, шаклини ўзгартириш)га оид топшириқлар;

2) баён қилиш (шарҳлаш, маъносини тушунтириш, моҳиятини ёритиш, асослаш)га доир топшириқлар;

3) индукция (жузъий хусусиятга таянган умумий хулоса чиқариш)га оид топшириқлар;

4) дедукция (умумий ҳолатга кўра хусусий хулосалар чиқаришга) доир топшириқлар);

5) исботлаш (далиллаштириш) ва текширишга оид топшириқлар;

6) баҳолашга доир топшириқлар.

IV. Маълумотларни эълон қилишга оид топшириқлар:

1) умумлаштирувчи қисқача маълумот, қоралама, мазмун ва бўлимни ишлаб чиқишга доир топшириқлар;

2) ҳисобот, маълум муаммога бағишланган илмий асар, маърузаларни тайёрлашга оид топшириқлар;

3) мустақил равишда ёзма ишлар, чизмалар, лойиҳалар ва бошқа ишларни бажаришга доир топшириқлар.

V. Ижодий фикрлашни талаб этувчи топшириқлар:

1) амалий таклифларни ишлаб чиқаришга доир топшириқлар;

2) муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилишга оид топшириқлар;

3) саволларни қўйиш ва масала ёки топшириқларни ифодалашга доир топшириқлар;

4) шахсий кузатишларга асосланган ҳолда ечимни топишга оид топшириқлар;

5) шахсий мулоҳазага асосланган ҳолда ечимни топишга доир (рационал ечимга асосланган) топшириқлар.

Англанганидек, талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда ўқув

материалларининг характеридан келиб чиққан ҳолда юқорида қайд этилган топшириқлардан икки ва ундан ортиғини танлаш имкониятига эга. Аммо, ижодий фикрлашни талаб этувчи топшириқлардан унумли фойдаланиш талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бир машғулотда талабаларни бир неча турдаги топшириқлар билан ишлашга жалб этиш талабаларда ўқув фаолиятига нисбатан қизиқишни оширади ва ўқув-билиш фаолиятини кучайтиради.

ХУЛОСА

Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда ўқув топшириқларини Д.Толлингерова таксономияси бўйича аҳамиятини аниқлашга эришдик. Бунда ушбу 5 хил ўқув топшириқларини унинг илмий дунёқарашини шакллантиришга таъсирини 5 балли шкалад энг аҳамиятли бўлса 5 балл, энг аҳамиятсиз бўлса 1 балл билан баҳолашлари сўралди. Бу эса касбий шаклланиши жараёнида талабалар илмий дунёқарашини шакллантириш даражасини белгилашимиз учун ҳам аҳамият касб этди.

Талабаларда бу топшириқлар ҳам бир мунча мураккабдек туюлди. Топшириқларни бажаришда мураккаб сифат ва миқдор ўзгаришларни кузатиш ва англаш талабаларда юқори зеҳн ва фаҳмни тақозо этар экан. Бу типдаги топшириқларни ечишда абстрактция ва динамик синтезнинг олий шакли намоён бўлмади. Бу эса талаба илмий дунёқарашини шаклланишига асос бўлади дейишимиз мумкин.

1. Олий ўқув юртлари янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида катта имкониятларга эга. Мазкур имкониятларни англай олиш педагогик фаолиятга нисбатан бир оз ижодий технологик ёндашиш машғулотларнинг қизиқарли бўлишини таъминлаш билан бирга талабалар томонидан ҳар бир мавзу бўйича билимларни пухта эгаллаши учун замин яратади. Ушбу ҳолат талабанинг илмий дунёқарашини шаклланиши жараёнидаги энг муҳим жиҳат саналади.

2. Педпгогик инновациялар асосида фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга. Шу билан бирга таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш касбий хусусиятларни шаклланишига, илмий дунёқарашни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омил бўла олади.

Талабалар илмий дунёқарашини ўстириш учун эса таълим жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган янги йўналишдаги психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш йўналишидаги изланиш олиб бориш

зарур. Бундан кўринадики талабаларнинг касбий камолоти учун олий таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини яхлит тизим сифатида қараб, таълим беришнинг қуйидаги жабҳаларини инобатга олиш муҳим:

1. Талабаларнинг илмий дунёқарашини ривожи учун уларга психологик-педагогик таъсир кўрсатишни ўқитиш жараёнида ва шахсий камолотида тизимли ташкил этиш.

2. Талабаларнинг касбий камолоти шароитида илмий дунёқарашини ривожланиши, ақлий камолоти ва ўзлаштиришини таъминлашга йўналтирилган психологик-педагогик ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш. Бу ўз навбатида талабаларнинг индивидуал хусусиятларини намоён этишга олиб келади.

REFERENCES

1 “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 24 февраль сони.
2. Дьюи Дж. Психология и педагогика мышления (Как мы мыслим)/ Пер. с англ. – М., 1999. - 187 с.
3.Долгоруков А. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения: http://www.vshu.ru/lections.php?tab_id=3&a=info&id=2600.
4. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
5. Qurbanova, M. F. (2020). Methods for improvement of training competitions for classifications leading on the organization of independent works. *Экономика и социум*, *8*, 432-437.
6. Қурбонова, М. Ф. (2020). Ёшларда креатив тафаккурни шакллантиришнинг педагогик асослари. *Халқ таълими*, *3*.
7. Mirzarahimova, G. I. (2020). Pedagogical and Psychological Bases of Development of Educational Activity in Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 7021-7030.
8. Қораев, С. Б. (2020). Профессионал таълимда ўқув амалиётларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. *Academic research in educational sciences*, *1*(3).
9. Shagiyeva, N. (2020). The role of information technologies to teach Russian language. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(7).
10. Эшманова, Н. Н., & Матьякубова, М. Б. (2019). Тарбиячиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш. *Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими:муаммолар,ёндашувлар ва истиқболлар*, *1*, 33-34.
11. Махкамова, Ш. Р., & Асадуллаева, М. А. (2020). «Великий шёлковый путь»: взаимодействие культур запада и востока в контексте проблемы модернизации музыкального образования в узбекистане. *Science and Education*, *1*(4).

12. Бегматов, Б. Б. (2020). Роль и функции русского языка в условиях суверенного Узбекистана. *Наука и общество*, *1*(65), 33-37.
13. Ражапова, И. Т. (2019). Методика обучения видам русского глаголав. *Илм сарчашмалари*.
14. Рустамова, С. Э. (2020). Применение технологии полного усвоения знаний в высшем образовательном учреждении. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 360-368.
15. Ўтаев, А. Й. (2019). Бўлажак ўқитувчилар сиёсий маданиятини шаклантиришнинг кластер тизими. *"Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар" мавзусидаги илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами*, *2*, 50-53.
16. Абдусаматова, Ш. С., & Бурханова, М. Б. (2020). Кўп фарзандли ота-оналарининг оиладаги муносабатларининг хусусиятлари. *Oriental Art and Culture*, (4).
17. Шакирова, Р. Р. (2019). Отличительные особенности рассказа от других эпических жанров. *Polish science journal*, 169-172.
18. Халилова, М. А., & Мухитдинова, М. (2020). Мактабгача таълим ташкилотларида ахборот-компьютер технологияларини мусиқа тарбияси воситаси сифатида қўллашнинг хусусиятлари. *Халқ таълими*, *3*(0056), 4.
19. Жабборова, О. М., & Бозоров, Н. Н. (2020). ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 373-377.
20. Тожибоева, Г. Р., & Бекирова, Э. Р. (2020). АКТУАЛИЗАЦИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 389-395.
21. Lutfillo Karamatilloevich Akhatov, Akbar NomozovichRasulov, Oybek Kakhramonovich Mirzorakhimov, Mirzokhid Latipovich Sharipov, & Farkhodjon Anvarjon-ugli Ibrokhimov. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. Journal of Critical Reviews, 7(17), 112-116.
22. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
23 Тажибоева, Г. Р. (2020). Социальные проблемы и перспективы интеграционого обучения. Журнал научных и прикладных исследований, 1, 54- 55. 10.
24. Тожибоева, Г. Р. (2020). Психолого-педагогическая компетентность учителя начальных классов. Science and World, 1(77), 32-33.
25. Avlaev, O. U., Burkhanov, A. A., Ismoilova, D. M., & Norkuzieva, M. A. (2020). Factors Affecting the Intellectual Dynamics of the Individual. Test Engineering & Management, 83, 693-702.